

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.04.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ДЖУРАЕВА НАФИСА РАДЖАБОВНА

**БУҒДОЙ МУРТАГИНИ ҚЎЛЛАБ, МАҚСАДЛИ ЎСИМЛИК-ЁҒ
АРАЛАШМАЛАРИ ОЛИШ**

**02.00.17 – Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш,
сақлаш ҳамда қайта ишлаш технологиялари ва биотехнологиялари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2018

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии(PhD)
Content of the dissertation abstract of doctor of Philosophy (PhD)**

Джураева Нафиса Раджабовна

Буғдой муртагини кўллаб, мақсадли ўсимлик-ёғ
аралашмалари олиш.....3

Джураева Нафиса Раджабовна

Получение растительно-жировых смесей целевого
назначения с использованием зародышей пшеницы.....21

Djurayeva Nafisa Radjabovna

Reception of vegetable-fatty mixtures of special
purpose with use of wheat germs.....37

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....40

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.04.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ДЖУРАЕВА НАФИСА РАДЖАБОВНА

**БУҒДОЙ МУРТАГИНИ ҚЎЛЛАБ, МАҚСАДЛИ ЎСИМЛИК-ЁҒ
АРАЛАШМАЛАРИ ОЛИШ**

**02.00.17 – Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш,
сақлаш ҳамда қайта ишлаш технологиялари ва биотехнологиялари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестацияси комиссиясида В2017.1.PhD/Т38 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро муҳандислик-технология институтида бажарилган

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси www.tkti.uz ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида www.ziyonet.uz жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Исабаев Исмоил Бабаджанович
техника фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Қурбонов Жамшид Маджидович
техника фанлари доктори, профессор
Серкаев Қамариддин Пардаевич
техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Умумий ва ноорганик кимё институти

Диссертация химояси Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017. Т.04.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўчаси 32. Тел.: (99871) 244-79-21, факс: (99871) 244-79-17, e-mail: tkti_info@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент кимё-технология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган.) Манзил:100011, Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўчаси, 32-уй. Тел.: (99871) 244-79-20

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги №___ рақамли реестр баённомаси).

С.М.Туробжонов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

А.С. Ибодуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, т.ф.д., профессор

К.О. Додаев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори(PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Бугунги кунда дунё миқёсида озиқа нутриентларининг таркиби мувозанатланмаган маҳсулотларни истеъмолчини камайтириб функционал ингредиентлар билан бойитилган маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва аҳолининг истеъмол структурасига жорий қилиш озиқ-овқат саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишларидандир. Бу вазифанинг ечими замонавий нутрициология талабларига жавоб бера оладиган ўсимлик-ёғ композит аралашмаларининг янги рецептура ва технологияларини яратишга йўналтирилган¹.

Бугунги кунда жаҳон миқёсида мунтазам ва оммавий истеъмол этиладиган ижтимоий аҳамиятга эга ёғ-мой, нон-булка ва унли қандолат маҳсулотларини замонавий усулларда модификациялаш, уларнинг янги технологияларини яратиш, бунда табиий хомашёнинг биологик ва медико-протекторли потенциалидан максимал фойдаланиш, маҳсулотларнинг истеъмолбоплик сифатларини яхшилаш, озиқавий хавфсизлигини таъминлаш долзарб йўналишларида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Мамлакатимизнинг озиқ-овқат саноати тармоқлари маҳсулотлари технологияларини такомиллаштириш, биологик қийматини ошириш ва буғдойни қайта ишлаш технологияларини яратиш борасида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилиб, буғдой муртаги маҳсулоти каби донни қайта ишлаш корхоналарининг юқори озиқавий қийматга эга бўлган иккиламчи маҳсулотини рационал сақлаш ва қайта ишлаш усуллари яратилган. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, маҳаллий хомашё ресурсларидан фойдаланиш ва уларни қайта ишлаш технологияларини яратиш»² вазифалари белгилаб берилган. Бу борада буғдой асосидаги хомашёни ёғлар билан бирга қўшиш кислород ва намликнинг етишмовчилиги доннинг сапрофит микрофлораси ва сақлаш давомида рўй бериши мумкин бўлган моғорлашга нисбатан микробостатик таъсир кўрсатиб, биотехнологик потенциали ва озиқавий хавфсизлигига кўра ушбу композит аралашмаларнинг ўсимлик ташкил этувчиси сифатида буғдой донининг муртагидан фойдаланишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 мартдаги ПҚ-4707-сон «2015-2019 йилларда ишлаб чиқариш структурасини қайта ўзгартириш, модернизациялаш ва диверсификация қилишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги, 2017 йил 7 февралдаги ПҚ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 29 августдаги 251-сон «2015-2020 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича концепциялар ва чора-тадбирлар комплексини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорларида, ҳамда мазкур фаолиятга

¹http://apps.who.int/gb/ebwha/pdf_files/WHA57/A57_R17-ru.pdf?ua=1

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПҚ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги қарори

тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқот иши маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқот ишининг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Функционал ёғ маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва уларни нон, қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда қўллаш технологияларини яратиш бўйича В.Х. Паронян, О.С. Восканян, А.П. Нечаев, Л.Г. Ипатова, А.А. Кочеткова, З.Г. Скобельская, В.А. Тутельян, К.Х. Мажидов, Г.И. Касьянов, Л.Н. Шатнюк, Т.Э. Некрасова, Д.Е. Карпухин, О.Г. Шубина, М.Г. Гаппаров, Н.Д. Войткевич, А.Т. Diplock, Р.Ж. Aggett, Л.И. Пучкова, Г.Ф. Дремучева, шунингдек ўзбек олимларидан - К.Х. Мажидов, С.Д. Бабаев, Р.А. Махмудов ва бошқалар томонидан илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган.

Ёғлар билан озиқ-овқат кўшилмаларининг биологик хоссаларидан фойдаланган ҳолда комбинациялаб, функционал композициялар олиш бўйича технологик жараёнлар ишлаб чиқилган.

Ўсимлик хомашёсидан алоҳида ажратиб олиниб қўлланилаётган компонентлар орасида муртак мойи, оқсиллар, лецитин, озиқавий толалар кабиларнинг физиологик ва технологик аҳамияти катта бўлганлиги сабабли улардан кенг фойдаланиш бўйича ҳам ишлар олиб борилмоқда.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертацион тадқиқотлар Бухоро муҳандислик технология институти илмий тадқиқот ишлари режасининг ОТ-А9-5 «Донни қайта ишлашнинг иккиламчи хомашёсидан фойдаланиб функционал озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ресурстежамкор технологияси асосида янги ишланмалар яратиш» ҳамда фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитаси томонидан эълон қилинган «Ёш олимларнинг академик ҳаракатчанлиги - 2017» дастури бўйича МУЗ-20160914085306 «Стабиллаштирувчи табиий озиқабоп кўшимчалардан фойдаланиб олдиндан эҳтимол қилинадиган биопотенциалга эга бўлган унли қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ресурстежамкор технологиясини ишлаб чиқиш» лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади юқори биопотенциалга эга ёғсизлантирилмаган буғдой муртаги унини қўллаб мақсадли ўсимлик-ёғ аралашмалари олишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўсимлик-ёғ композит аралашмалари учун потенциал ингредиент - буғдой муртагининг кимёвий таркиби, озиқавий хавфсизлиги, физик-кимёвий хусусиятлари, технологик функциялари ва физиологик таъсирини ўрганиш;

буғдой муртаги маҳсулотини эмульсион ва сувсиз ўсимлик-ёғ композит аралашмалари таркибида функционал ингредиент сифатида бевосита қўллаш технологик шароитини аниқлаш;

маргарин туридаги эмульсион ёғли тизимларда буғдой муртаги маҳсулоти унини қўллашнинг эмульсия турғунлигига ва маҳсулотларнинг консистенциясига таъсирини кўрсатиш;

сувсиз ёғ-мойларга қўшиб термик ишлов бериш натижасида буғдой муртаги унини стабиллаштириш усули ва технологик параметрларини ишлаб чиқиш;

буғдой муртаги уни қўшилган сувсиз ўсимлик-ёғ композит аралашмалари ва улар асосида нон-булка, қандолат ва бошқа маҳсулотлар олиш технологиясини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти буғдой муртаги маҳсулоти, хайвон ёғлари ва ўсимлик мойлари, ўсимлик-ёғ композит аралашмалари (эмульсион ва сувсиз), нон ва унли қандолат маҳсулотлари, миллий ун-ёғли маҳсулот «атола» («атала»)дан иборат.

Тадқиқотнинг предмети функционал ўсимлик-ёғ композит аралашмалари олиш ва уларни унли маҳсулотлар ишлаб чиқаришда қўллаш.

Тадқиқотнинг усуллари. Илмий тадқиқот ишини бажаришда замонавий, махсус органолептик (сенсорли), физик-кимёвий, микробиологик ва биокимёвий усуллар қўлланилди. Экспериментлар режалаштирилиб, Microsoft Excel 2013, Statistica 10 ва Mathcad 15 муҳитларида корреляцион-регрессион таҳлил ёрдамида натижалар статистик ишланди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

буғдой муртаги асосида ўсимлик-ёғ композит аралашмалари таркиби яратилган;

маргарин туридаги эмульсион ёғли тизимларда буғдой муртаги маҳсулоти унини қўллаш эмульсия турғунлигини ошириши ва маҳсулотнинг консистенциясига ижобий таъсири аниқланган;

сувсиз ёғ-мойларга қўшиб термик ишлов бериш натижасида микробиологик кўрсаткичлар ва ферментлар фаоллиги бўйича буғдой муртаги унини ўсимлик-ёғ аралашмалари таркибида стабиллаштиришнинг технологик усули ишлаб чиқилган;

сувсиз ўсимлик-ёғ композит аралашмалари таркибида буғдой муртаги маҳсулоти унини қўллаш уларнинг функционал хусусиятларини кучайтириши аниқланган;

буғдой муртаги маҳсулотидан фойдаланиб ўсимлик-ёғ композит аралашмалари ишлаб чиқаришда ва уни қўллашда уч факторли математик дифференцияланган таҳлиллар ўтказилиб, технологик ечимлари асосланган;

буғдой муртаги уни қўшилган сувсиз ўсимлик-ёғ композит аралашмалари асосида нон-булка, қандолат ва бошқа унли маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологияси такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

композит аралашмаларни ташкил этувчиларининг озиқ-овқат зарарсизлиги ва физиологик-функционал аҳамияти, уларни ишлаб чиқаришнинг стратегик истиқболларига нисбатан таваккал даражаси аниқланган;

эмульсион ва сувсиз ўсимлик-ёғ аралашмаларининг мақбул таркиби ўрганилиб, уларни ишлаб чиқариш асосий параметрлари аниқланган;

янги ўсимлик-ёғ композит аралашмаларини қўллаб ишлаб чиқариладиган нон-булка, унли қандолат (печенье, вафли) ва миллий (атола) маҳсулотларнинг рецептуралари, улар асосида унли маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологияси такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги адекват регрессион тенгламаларнинг мавжудлиги, назарий хулосалар ва экспериментал натижаларнинг ишлаб чиқариш синовлари натижаларига мос келиши билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти функционал ўсимлик-ёғ аралашмалари ишлаб чиқаришда мойлилик даражаси паст хомашё ҳисобланадиган буғдой муртаги маҳсулотидан уни ёғсизлантирмасдан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланганлиги ва унли маҳсулотлар ишлаб чиқаришда анъанавий ёғ маҳсулотлари ўрнига ўсимлик-ёғ аралашмаларини қўллашнинг технологик эффективлиги аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, мойлилик даражаси паст ўсимлик хомашёси ва ёғ маҳсулотларини комбинациялаш юқори биопотенциалга эга композит аралашмалар олишнинг янги технологиясини ишлаб чиқишга ва уларни унли маҳсулотлар ишлаб чиқаришда қўллаш, асосий хомашёни тежаш, тайёр маҳсулот чиқишини ошириш, натижада ишлаб чиқариш рентабеллигини оширишга имкон беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўсимлик-ёғ композит аралашмаларини тайёрлаш ва уларни унли маҳсулотлар ишлаб чиқаришда қўллаш бўйича тадқиқот натижалари асосида:

«Тошкент ёғ-мой комбинати»да ишлаб чиқариш синовларидан ўтказилган буғдой муртаги уни қўшилган ўсимлик-ёғ композицияларни қўллаб қатламли хамир ишлаб чиқаришга ташкилот стандарти «Ўзстандарт» агентлиги томонидан тасдиқланган (Ts19819331-03:2014). Натижада бу буғдой муртаги уни қўшилган ўсимлик-ёғ композицияларидан қатламли хамир ишлаб чиқариш имконини берган;

буғдой муртаги уни қўшилган ўсимлик-ёғ композицияларидан қатламли хамир ишлаб чиқаришга технологик йўриқнома «Ўзстандарт» агентлиги томонидан тасдиқланган (ТИ-19819331-03:2014). Натижада бу қатламли хамир сифатини назорат этиш ва уни ишлаб чиқаришдаги асосий хомашёлар сарфини 11% камайтириш имконини берган;

буғдой муртаги уни қўшилган ўсимлик-ёғ композициялари олиш ва уларни унли маҳсулотлар рецептураси таркибида анъанавий ёғ-мойлар ўрнида қўллаш технологияси «Бухородонмаҳсулотлари» АК тасаруфидаги корхоналарда ишлаб чиқаришга жорий этилган («Ўздонмаҳсулот» акционерлик компаниясининг 2017 йил 09 ноябрдаги 13-12/311-2064 сон маълумотномаси). Натижада бу ишлаб чиқаришни диверсификациялаш, тайёр маҳсулот сифатини ошириш, шунингдек, асосий хомашёлар сарфини қисқартириш ва тайёр маҳсулот чиқишининг ошиши ҳисобидан умумий харажатларнинг 37% гача камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 9 та халқаро ва 10 та республика конференцияларида маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси ва материаллари бўйича жами 29 та илмий иш чоп этилган, шулардан 1 та монография ва Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, 6 та хорижий ва 3 та республика журналларида чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Асосий мантли материалнинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ифодаланган, тадқиқот предмети ва объектлари тавсифланган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, олинган натижаларнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тематик конференциялар ҳамда ишлаб чиқариш шароитларида тадқиқот натижаларининг апробацияси, диссертация структураси ва нашр этилган ишлар ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Функционал ёғ маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг замонавий ҳолати ва ривожланиш истиқболларининг аналитик шарҳи**» мавзусидаги биринчи бобида инсон озиқ-овқат рационидagi ёғ маҳсулотларининг физиологик аҳамияти ва биологик муҳимлиги шарҳ қилинган; ёғ маҳсулотлари янги турларини ишлаб чиқариш тараққиётининг замонавий йўналишлари умумлаштирилган ва тизимлаштирилган, хусусан, ёғлар ва мойлилик даражаси паст бўлган хомашёлардан композит аралашмалар тайёрлаш истиқболлари белгиланган. Уларда ўсимлик фракцияси сифатида биологик аҳамияти, озиқавий хавфсизлиги ва ҳаммабплиги билан ажралиб турадиган буғдой муртаги маҳсулотини қўллаш мақсадга мувофиқлиги аниқланган. Нон ва унли қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ёғ маҳсулотларининг функционал роли тавсифланган. Ёғ кислоталари таркиби бўйича мувозанатланган қаттиқ ёки ярим қаттиқ консистенцияли, таркибида ёғда эрийдиган витаминлари ҳамда бошқа биологик фаол нутриентлари миқдори юқори бўлган ёғларга озиқ-овқат саноатининг эҳтиёжи тобора ошиб бораётганлиги, донли экинларни қайта ишлашнинг ёғсизлантирилмаган маҳсулотлари потенциал имкониятлари ушбу жиҳатдан ўрганилмаганлиги кўрсатилган.


Диссертациянинг «**Хомашё, ярим фабрикатлар ва тайёр маҳсулотлар тавсифи, уларнинг хоссаларини таҳлил қилиш усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объектлари ва уларнинг тавсифи, хомашё, ярим фабрикатлар ва тайёр маҳсулотларнинг таркиби, органолептик, физик-кимёвий, микробиологик ва биокимёвий хоссаларини таҳлил қилишнинг замонавий умумқабул қилинган ва махсус усуллари келтирилган; ўсимлик-ёғ аралашмалари,

нон ва унли қандолат маҳсулотларини (шакарли, таранг ва ширмой печенье, вафли) тайёрлаш усуллари баён қилинган.

Диссертациянинг «**Ўсимлик-ёғ композит аралашмалари рецептура ингредиентларининг биотехнологик потенциалини тадқиқ қилиш**» деб номланган учинчи бобида ишланмаларни жорий қилишдаги таваккал даражаси ва стратегик истиқболлари таҳлил этилган, композит аралашмалар учун хомашё хоссаларининг тадқиқот натижалари баён қилинган.

Ўсимлик-ёғ аралашмалари ишлаб чиқариш технологик ва иқтисодий самарадорлигининг SWOT-таҳлили амалга оширилган. Ушбу аралашмаларни яратиш бўйича вазифалар белгиланган ва технологик ечимлар ишлаб чиқилган. Тадқиқотнинг мантикий-структуравий схемаси 1-расмда кўрсатилган.

Композит аралашмаларда ўсимлик фракцияси сифатида хизмат қилаётган буғдой муртаги маҳсулотининг функционал-технологик хоссалари ва озикавий хавфсизлиги тадқиқоти натижалари келтирилган. Бу хомашё даставвал қуритилиб, сўнгра парҳез ун йириклигигача майдаланди ва элаб буғдой муртак маҳсулотининг уни (М_{зп}) олинди. 1 нав ҳамда жайдари буғдой унлари ва М_{зп} кимёвий таркибларининг таққослов таҳлили хамирли маҳсулотлар рецептурасида буғдой унини М_{зп}га қисман алмаштириш мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги тахминларни тасдиқлади.



1-расм. Тадқиқотнинг мантикий- структуравий схемаси

Мзп даги оксил ва ёғнинг массавий улуши 1-нав унидаги ўхшаш қийматлардан ўртача 2,4 ва 7,8 марта ортиқ ва мос равишда жайдари унидаги ўхшаш қийматлардан ўртача 2,1 ва 5,3 марта ортиқдир. Мзпда темир миқдори солиштирилаётган ун намуналарига қараганда мос равишда 4,0 ва 2,0 баравар, витаминлар миқдори эса 8,0 ва 7,0 бараварга кўпдир. Мзп углеводлари орасида сахароза ва рафиноза устунлик қилади, муртақ маҳсулоти таркибидаги эндосперм ва пўстлоқлар қолдиқлари ҳисобидан клетчатка ва крахмал ҳам мавжуд. Жаҳон озикланиш балансида энг танқис ҳисобланадиган аминокислота лизиннинг масса улуши назорат намуналаридаги ўхшаш қийматлардан 2,3 ва 1,9 марта ортиқдир.

Тадқиқ қилинаётган Мзп да заҳарли элементлар таркиби рухсат этилган меъёрий миқдор (ПДК) дан ошмайди, пестицид ва микотоксинлар топилмади. Ушбу объект микробиологик кўрсаткичлари бўйича СанҚваМ №0283-10 ва O'zDStISO 6635:2013 талабларига мос келди. Мзп ни 8 ҳафта давомида $20 \pm 1^\circ\text{C}$ ҳароратда сақлаш жараёнида пероксид сони қиймати 1,10дан 28,70 мМ/кг гача ва кислоталиги эса 6,10 дан 19,30 мг КОН/г гача сезиларли ошиши кузатилди, липаза фаоллигининг кўрсаткичи 2,20 мкМ/(мг·мин)га, липоксигеназаники эса 2,73 мМ/(мл·мин) га ўсди. Демак, тайёр маҳсулотни сақлаш муддатини ошириш учун Мзп ни микробли деконтаминациялаш ҳамда унинг хусусий ферментларини инактивациялаш бўйича технологик ишланмалар ишлаб чиқиш зарурдир.

Ўсимлик-ёғ аралашмаларининг ёғ фракцияси сифатида хайвон ёғи (ЖЖ ва БЖ), қиздириб эритилган сариеғ (СТМ), пальма (ПМ), соя (МС), кам ва кўп олеинли кунгабоқар мойлари (мос равишда МП_н ва МП_в), зайтун мойи (МО) ва уларнинг комбинацияларидан фойдаланилди.


Дисертациянинг «**Буғдой муртақ маҳсулотидан фойдаланиб ўсимлик-ёғ аралашмаларини ишлаб чиқиш**» мавзусидаги тўртинчи бобида Мзп ни кўшиб ёғлилик даражаси пасайтирилган эмульсион (РЖЭС) ва сувсиз (РЖБС) ўсимлик-ёғ композит аралашмалари олиш бўйича тадқиқотларнинг натижалари изоҳланган.

Ушбу бобда Мзп кўшган ҳолда ёғлилик даражаси 82,0-82,5% бўлган маргаринларни ёғлилик даражаси туширилган эмульсион ўсимлик-ёғ аралашмаларига ўзгартириш бўйича экспериментал тадқиқотларнинг натижалари тасвирланган. Бунда «Безмолочный» (РЦ 64-00392738-05-2004) ва «Для выпечки» (РЦ 64-00392738-02-2004) маргаринларининг рецептураларидан фойдаланилди. Мзпнинг дозировкаси (хомашё массасига нисбатан % ларда) 2,5% дан 10,0% гача чегараларда ўзгартирилди. Рецепттура таркибининг модификацияси фақат сув фазаси улушининг оширилиши ҳисобидан ўтказилган намуналар назорат намуналари бўлиб, тажриба намуналарида бу асосан қуруқ ингредиент - Мзп ни кўшиш ҳисобидан амалга оширилди.

Тажриба намуналари назоратдагига нисбатан кўпроқ пластик консистенцияси ва яхши суркалувчанлиги ($10-12^\circ\text{C}$ ҳароратда) билан фарқланади. Бироқ Мзп дозировкасини 10,0% дан ортиқ ошириш, хусусан ёғлилиги 40,0% ва ундан паст бўлган вариантларда, консистенциянинг зичлашуви, ҳамирсимон таъм ва ҳиднинг пайдо бўлишига олиб келиши мумкинлиги сабабли мақсадга мувофиқ эмас. Эмульсион ўсимлик-ёғ аралашмалари қаттиқлиги кўрсаткичининг унинг таркибидаги Мзп миқдorigа боғлиқ равишда ўзгариши динамикаси таҳлили шуни


кўрсатадики, ёғлилиги бир хил даражада пасайтирилганда 12⁰С ҳароратдаги ушбу кўрсаткичнинг қиймати тажриба вариантларида назорат намуналариники каби кўп ўзгармади. Шубҳасиз, бу ун биополимерлари билан гидроколлоидларнинг ҳосил бўлиши ва эмульсион тизим кристаллизацияланишида коагуляцион структураларнинг шаклланиши билан боғлиқдир. Таркибида турли микдорда М_{ЗП} бўлган эмульсион ўсимлик-ёғ аралашмаларининг намуналари анчагина барқарор эмульсион турғунликка (100% гача) эга бўла олиши аниқланди. М_{ЗП} қўшилган ёғли эмульсияларнинг микроструктураси 2,3-расмларда тасвирланган.

Назорат намуналари микроструктурасининг таҳлили уларда текис тақсимланмаган турли ўлчамлардаги сув томчилари кўриниб турганлигини кўрсатди, ўз навбатида тажриба композицияларида М_{ЗП} дозировкаси ошиши билан сув фазасининг дисперсияланиш даражаси ҳам ошишини ва текисроқ тақсимланишини кузатиш мумкин. Аналогик вазият ёғлилик даражаси 60,0% ли (2-расм,б,в,г) ва 40,0% ли композицияларда (3-расм,б,в) кузатилади.



а –Маргарин эмульсияси (назорат намунаси); **б** –2,5% М_{ЗП} қўшилган эмульсион ўсимлик-ёғ аралашмаси; **в** –10,0% М_{ЗП} қўшилган эмульсион ўсимлик-ёғ аралашмаси; **г** – 15,0% М_{ЗП} қўшилган эмульсион ўсимлик-ёғ аралашмаси;

2-расм. Муртак уни (М_{ЗП}) қўшилишининг 60,0%-ли ёғли эмульсиялар микроструктурасига таъсири



а –Маргарин эмульсияси (назорат намунаси); **б** –5,0% М_{ЗП} қўшилган эмульсион ўсимлик-ёғ аралашмаси; **в**–10,0% М_{ЗП} қўшилган эмульсион ўсимлик-ёғ аралашмаси.

3-расм. Муртак уни (М_{ЗП}) қўшилишининг 40,0%-ли ёғли эмульсиялар микроструктурасига таъсири

Назорат намуналари микроструктурасининг таҳлили уларда текис тақсимланмаган турли ўлчамлардаги сув томчилари кўриниб турганлигини кўрсатди, ўз навбатида тажриба композицияларида $M_{3П}$ дозировкаси ошиши билан сув фазасининг дисперсияланиш даражаси ҳам ошишини ва текисроқ тақсимланишини кузатиш мумкин. Аналогик вазият ёғлилик даражаси 60,0% ли (2-расм, б, в, г) ва 40,0% ли композицияларда (3-расм, б, в) кузатилади.

Микробиологик скриннинг натижаларининг кўрсатишича, тадқиқотдаги барча намуналар у ёки бу даражада мироорганизмлар билан уруғланган. Жумладан, $100 \pm 5^{\circ}\text{C}$ ҳарорат остида 10-15 мин. термик ишлов берилган муртак уни кўшилган тажриба намунаси ($M_{3ПТ}$) ва термик ишлов берилмаган муртак уни кўшилган тажриба намунаси ($M_{3П}$)даги бактериял, ачитки ва моғор микрофлоралари миқдори сақлаш давомида аналогик назорат намуналариникига нисбатан кўпроқдир. $M_{3П}$ кўшилган синов варианты 15 суткадан кейин Сан ҚваМ № 0283-10 талабларига мос келмаслиги аниқланди. Сақлаш даврида (60 сутка давомида) микроорганизмлар сони назорат вариантыда $427 \times 10^3 \text{ КОЕ/г}$ га, $M_{3ПТ}$ кўшилган синов вариантыда $483 \times 10^3 \text{ КОЕ/г}$ га, ачиткилар миқдори эса мос равишда $1,2 \times 10^2 \text{ КОЕ/г}$ ва $7,7 \times 10^2 \text{ КОЕ/г}$ га ошди. $M_{3ПТ}$ кўшилган синов намунаси худди назорат намунасидай 45 сутка сақлангандан кейин ҳам СанҚваМ № 0283-10 талабларига жавоб бериши аниқланди. Микроорганизмларни экиш муҳитларида ичак таёқчалари ва бошқа патоген микрофлоралар йўқлиги қайд этилди.

Тадқиқот намуналарини сақлаш жараёнида микроорганизмлар экотизимининг ўзгариши билан маҳсулотнинг тозаллигини (сақлашда бузилмасдан туришини) тавсифловчи кўрсаткичлар корреляцияси кузатилди. Масалан, назорат намунасида пероксид сони 2,3 мартага ошган бўлса, $M_{3П}$ ва $M_{3ПТ}$ кўшилган намуналарда бу кўрсаткич мос равишда 6,2 ва 2,7 мартага ошди. Кўриниб турибдики, $M_{3ПТ}$ кўшилган намуналарда ушбу кўрсаткичнинг қийматлари ўсимлик-ёғ аралашмалари учун рухсат этилган қийматлар доирасида. Тажриба намуналарида анизидин сони кўрсаткичининг қиймати назорат намунасиникига нисбатан кўп ошмаганлиги уларнинг етарли даражада яхши сақланиши мумкинлигини тасдиқлайди.

Тадқиқот натижалари асосида маргарин ишлаб чиқариш технологик жараёнига мос равишдаги ўзгаришлар, яъни қуйидаги қўшимча босқичлар киритилди: ёғларнинг қиздирилган бир қисмини даставвал $M_{3П}$ билан аралаштириш ва шу йўсинда ушбу аралашмага термик ишлов бериш.

Ёғлар, мойлар ва $M_{3П}$ дан таркиб топган сувсиз композицияларнинг (РЖС ларнинг) сифат кўрсаткичлари экспериментал тадқиқотлари натижалари келтирилган. Тадқиқот объектлари сифатида ҳайвон ёғи (Ж_ж), қиздириб эритилган сариёғ (СТМ), пальма (ПМ), кунгабоқар (МП), соя (МС) мойлари қўлланилди. Таққослаш учун назорат намунаси бўлиб композитларни тайёрлашда қўлланиладиган сувсиз ёғ маҳсулоти (Ж_{пр})нинг ўзи хизмат қилди. Ҳисоблаш-аналитик усулида сувсиз композициялардаги ёғ кислоталарининг миқдори ва уларнинг ўзаро нисбатлари аниқланди (1-жадвал).

1-жадвал.

Таркиби Мзл, қаттиқ ёғлар ва мойлардан иборат суввез композицияларда ёғ кислоталарининг ўзаро нисбати

№	Аралашмадаги масса улуши, %		Аралашма ётлilлиги, %	Аралашмадаги кислоталарининг ўзаро нисбати, вариантлар																	
	ЖП, %	Мзл		Жж+Мзл			СТМ+ Мзл			ПМ+Мзл			Жж(50%)+ +МП(25%)+ +МС(25%)+Мзл			СТМ(50%)+ +МП(25%)+ +МС(25%)+Мзл			ПМ(70%)+ +МС(30%)+Мзл		
				1			2			3			4			5			6		
1	100	0	100	НЖК: МНЖК: ПНЖК	ω-6: ω-3	НЖК: МНЖК: ПНЖК	ω-6: ω-3	НЖК: МНЖК: ПНЖК	ω-6: ω-3	НЖК: МНЖК: ПНЖК	ω-6: ω-3	НЖК: МНЖК: ПНЖК	ω-6: ω-3	НЖК: МНЖК: ПНЖК	ω-6: ω-3	НЖК: МНЖК: ПНЖК	ω-6: ω-3				
2	90	10	91	55:40:5	2,8:1	62:33:5	2,6:1	49:40:11	-	35:32:33	10,2:1	39:28:33	10,0:1	40:34:26	8,5:1						
3	80	20	82	55:40:5	3,0:1	62:33:5	2,9:1	48:40:12	156:1	35:32:33	10,1:1	39:28:33	9,9:1	39:34:27	8,5:1						
4	70	30	73	54:40:6	3,2:1	61:33:6	3,2:1	48:39:13	74:1	35:31:34	10,0:1	39:28:33	9,9:1	39:34:27	8,4:1						
5	60	40	64	53:39:8	3,8:1	60:33:7	3,4:1	47:39:14	46:1	35:31:34	9,9:1	38:28:34	9,8:1	39:33:28	8,4:1						
6	50	50	55	53:39:8	4,2:1	59:33:8	4,0:1	46:39:15	32:1	34:31:35	9,8:1	37:28:35	9,7:1	38:33:29	8,4:1						
7	40	60	46	51:39:10	4,6:1	58:32:10	4,4:1	46:38:16	24:1	34:31:35	9,7:1	37:27:36	9,6:1	38:33:29	8,3:1						
8	30	70	37	50:38:12	5,1:1	56:32:12	4,9:1	45:37:18	19:1	33:30:37	9,5:1	36:27:37	9,4:1	37:32:31	8,3:1						
				48:37:15	5,6:1	54:31:15	5,5:1	43:36:21	15:1	32:30:38	9,3:1	35:27:38	9,2:1	35:31:33	8,2:1						

1-жадвалдаги натижаларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, таркибида фақат қаттиқ ёғлар (ПМ, ЖЖ, СТМ) ва М_{ЗП} бўлган композициялар (1-3 вариантлар) таркибида тўйинган ёғ кислоталари (НЖК) кўплиги ва ўта тўйинмаган ёғ кислоталари (ПНЖК) камлиги билан тавсифланади. Ёғ фракцияси сариёғ (СТМ) ва ҳайвон (ЖЖ) ёғларидан ташкил топган РЖС ларда ω-6 и ω-3 гуруҳларига мансуб ёғ кислоталари нисбати бир қараганда профилактик озикланиш учун қўлланиладиган нисбатга мос келадигандай кўринса ҳам, аслида ПНЖК нинг яққол камчилиги фонида физиологик аҳамиятини йўқотади. РЖС ларда қаттиқ ёғларни суюқ мойлар билан тўлиқ алмаштиришнинг улардаги ун фракцияси заррачаларининг седиментацияси хавфи борлиги сабабли имкони йўқ. Шу билан боғлиқ равишда ўсимлик-ёғ аралашмаларида 30,0 дан 50,0% гача қаттиқ ёғлар ўсимлик мойлари билан алмаштирилди. Натижада таклиф этилган композицияларда (4-6 вариантлар) НЖК: МНЖК : ПНЖК ва ω-6:ω-3 нисбатлари нисбатан оптималлиги билан тавсифланади. Таркибида 60,0 ва 70,0 % М_{ЗП} бўлган аралашмаларда ёғ кислоталари анчагина балансланганлиги билан ажралиб туради.

Шуни таъкидлаш ўринлики, таркибида 50,0% гача М_{ЗП} бўлган аралашмалар шартли равишда ёғ-унли (ЖМС), 50,0% дан юқори М_{ЗП} га эга бўлгани эса ун-ёғли (МЖС) деб аталди. Ёғ-унли аралашма (ЖМС) олишда термик ишлов бериш 70⁰С гача қиздирилган ёғ компонентлари билан М_{ЗП} ни 10-15 мин аралаштириш ёрдамида, ун-ёғли аралашма (МЖС) олишда эса 100-105⁰С ҳароратда 20-30 минут аралаштириш ёрдамида амалга оширилди.

37±2⁰С ҳароратда (атайлаб провакацион шароитларда) 90 кун давомида сақлаш жараёнида тадқиқ этилаётган сувсиз композицияларнинг микробиологик ўзгаришлари текширилди. Ҳар ойда уларда микроорганизмлар миқдорининг кўпайиши ҳамда санитария талаб ва меъёрларига мослиги назорат қилинди.

Таркибида 30,0, 50,0 ва 70,0% М_{ЗП} бўлган ва термик ишлов берилмаган аралашмаларда микроорганизмларнинг бошланғич миқдори мос равишда 157, 217 ва 307 КОЕ/г ни ташкил этди. Сақлаш даврида микрофлора биомассаси ўртача 3,8 мартага ўсди. Сақлаш муддатининг охирида термик ишловсиз тайёрланган сувсиз композициялардан фақат таркибида 30,0% М_{ЗП} бўлган вариантыгина СанҚваМ талабларига мос келиши, термик ишлов берилган композицияларнинг эса барчаси сақлаш муддати якунида рухсат этилган даражадаги микроорганизмлар экотизимига эга эканлиги аниқланди.

Термик ишлов берилган вариантларда моғор замбуруғлари миқдори термик ишлов берилмаган ўхшаш намуналардагига нисбатан ўртача 2,3 мартага кам. Барча вариантларда патоген микроорганизмлар қайд қилинмади.

Тадқиқот натижалари асосида сувсиз ЖМС ва МЖС ишлаб чиқариш жараёнларига тегишли ўзгартиришлар киритилди, жумладан, таркибида аралашма массасига нисбатан 30,0% гача М_{ЗП} бўлган сувсиз композициялар ишлаб чиқариш учун дастлаб қиздирилган ёғ фракциясига М_{ЗП} ни қўшиб 40...50⁰С ҳароратда 10...15 минут давомида аралаштириб туриш, таркибида аралашма массасига нисбатан 30,0% дан ортиқ М_{ЗП} бўлган сувсиз композициялар ишлаб чиқариш учун эса термик ишлов бериш ҳароратини 50...70⁰С гача кўтариш тавсия этилди.

Диссертациянинг «Ўсимлик-ёғ аралашмаларининг унли (хамирли) маҳсулотлар сифатига таъсири» мавзусидаги бешинчи бобида Мзп кўшиб тайёрланган сувсиз ўсимлик-ёғ аралашмалари (РЖБС) нинг нон, унли қандолат ва миллий маҳсулотлар сифатига таъсири тадқиқотлари натижалари келтирилган.

Ушбу бобда РЖБС таркиби ва дозасининг хамир хоссаларига ва 1-нав буғдой унидан тайёрланган нон маҳсулотларининг сифатига таъсири ўрганилган. Тадқиқот объектлари бўлиб сувсиз ёғлар, РЖБС намуналари ва нон маҳсулотлари хизмат қилди. Ишни бажаришда «Прима» ошпазлик ёғидан фойдаланилди. Ушбу тадқиқотлар марказий композицион униформ-ротатабелли режа асосидаги дастурдан фойдаланиб амалга оширилди.

Экспериментал натижаларни математик қайта ишлаш асосида тадқиқ этилаётган омиллар (x_1, x_2 ва x_3) га боғлиқ равишда танланган мезон y нинг ўзгаришларини адекват тавсифловчи қуйидаги (1,2) регрессия тенгламалари олинди:

$$\bar{y}_1 = 18,50 - 0,97x_1 - 0,78x_2 + 2,65x_3 + 0,71x_1x_2 + 0,54x_2x_3 - 1,52x_1^2 - 0,61x_2^2 - 2,64x_3^2; \quad (1)$$

$$\bar{y}_2 = 530,89 - 17,64x_1 - 15,85x_2 + 50,95x_3 + 11,50x_1x_2 + 2,25x_1x_3 + 9,75x_2x_3 - 31,69x_1^2 - 11,72x_2^2 - 48,95x_3^2, \quad (2)$$



бу ерда: y_1 - сенсор (органолептик) баҳолаш асосидаги комплекс сифат кўраткичи, балл; y_2 – ноннинг ҳажмий чиқиши, $\text{см}^3/100$ г ун; x_1 – ўсимлик-ёғ аралашмаси (РЖС) нинг рецептуравий миқдори, уннинг умумий миқдорига нисбатан % ҳисобида; x_2 - Мзп нинг массавий улуши, аралашманинг умумий миқдорига нисбатан % ларда; x_3 – хамирнинг намлиги, %; x_i - X_i нинг натурал қийматлари билан қуйидаги ўзаро нисбатлар орқали боғлиқ бўлган омилларнинг кодланган қийматлари: $x_1 = (X_1 - 4,0)/3,0$; $x_2 = (X_2 - 50,0)/20,0$; $x_3 = (X_3 - 43,0)/3,0$.

Оптималлаштириш мезонларига энг кўп таъсир қилувчи омилларни ва регрессия функциясининг экстремумини топиш учун оптималлаштириладиган функцияларнинг график интерпретациясидан фойдаланилди ва унда хусусий боғлиқликлардаги акс жавоб (отклик) сиртлари ўрганилди. (4, 5-расмлар).



Графиклардаги сирт ўзгаришларининг тадқиқ этилаётган нон сифат кўрсаткичларининг оптимал қийматлари қуйидаги диапазонларда эканлигини кўрсатади: ўсимлик-ёғ аралашмаси (РЖС) миқдори 4,0-5,0%, РЖС таркибидаги буғдой муртаги уни (Мзп) миқдори 40,0-50,0%, хамир намлиги 45,0-46,0% (фақат ноннинг ҳажмий чиқиши учун, аммо бундай намликда нон мағзининг структура-механикавий хоссалари ёмонлашади, нон мағзи бўшаб, ғоваклари катта-катта, ушоқланиб қоладиган бўлади)

Ўзгарувчан омиллар оптимал қийматларининг экспериментал натижалари учта номаълумли тенгламалар системасини Крамер усулида ечиш йўли орқали олинган натижаларга мос келади: $X_1=5,02\%$, $X_2=39,80\%$ ва $X_3=42,10\%$. Бу маълум қонуниятларга зид келмайди.



Ун массасига нисбатан 5,0% гача тадқиқ қилинаётган кўшилмалар кўшилган вариантларда ғоваклилик кўрсаткичининг қийматлари ўртача 1,3-8,4% га, солиштирма ҳажмнинг эса 0,8-7,2% га ошганлиги аниқланди. РЖБС дозаси янада оширилганда бу кўрсаткичлар қийматларининг пасайиши қайд қилинди. Ноннинг тажриба намуналари ўз янгилиги (свежесть) белгиларини 4-6 соатга ортиқроқ сақлайди. 48 соат сақлангандан кейин нон мағзининг бўқиши кўрсаткичи 2,5-9,6% га ошиши ва унинг ушоқланиш кўрсаткичининг 1,4-8,5% га пасайиши кузатилди.



$$x_1=0$$



$$x_2=0$$



$$x_3=0$$

4-расм. Нон сифатини сенсор баҳолашнинг композиция миқдори – (x_1), МЗП – (x_2) ва хамир намлигига – (x_3 , %) боғлиқлигининг графиклари

5-расм. Нон ҳажмий чиқишининг композиция миқдори – (x_1), МЗП – (x_2) ва хамир намлигига – (x_3 , %) боғлиқлигининг графиклари

Диссертацияда шакарли, таранг ва ширмой печеньеелар ишлаб чиқаришда анъанавий ёғларга альтернатив алмаштиргичлар сифатида РЖБСдан фойдаланишнинг технологик самарадорлиги тадқиқ қилинган. Маргарин ёки сариеғлар таркибидаги ёғ фракцияси ва $M_{3п}$ қуйидаги нисбатда (% ларда) бўлган РЖБСга алмаштирилди: таранг печенье учун -40:60, шакарли печенье учун 50:50, ширмой печенье учун 70:30. Бунда РЖБС таркибидаги ёғ фракциясининг ўзи қуйидаги таркибдан иборат эди: таранг ва шакарли печенье учун 70,0% ПМ ва 30,0% МС; ширмой печенье учун эса 50,0% СТМ, 25,0% МП ва 25,0% МС. Ҳисоблашларда тайёр маҳсулотлардаги курукмоддаларнинг умумий миқдори, шунингдек, ёғ ва қанд моддаларининг умумий миқдорини ўзгартирмаслик шартига риоя қилинди.

Шакарли ва ширмой печенье рецептурасида РЖБС дан фойдаланилганда умумий ва пластик деформациянинг ошиши аниқланди. Эластик деформация эса шакарли печенье хамирида камайди ва ширмой печенье хамири учун назоратга нисбатан ўзгармади.

Таранг печеньеелар хамирида $M_{3п}$ нинг юқори сув ютиш қобилияти ҳисобидан хамирнинг зичланиши натижасида умумий, пластик ва эластик деформацияларнинг қийматлари пасайди. Печеньееларнинг тажриба намуналари сифат кўрсаткичлари регламентда белгиланган талабларга мос келади. Шунинг ҳам таъкидлаш лозимки, РЖБСда тайёрланган печеньеелар намуналаридан мойнинг миграцияси даражаси амалий жиҳатдан намуна қийматларидан фарқ қилмайди.

Вафли ишлаб чиқаришда қўлланиладиган ёғли масалликлар (начинкалар) таркибида РЖБС дан фойдаланишнинг технологик самарадорлиги тадқиқ қилинган. $M_{3п}$ нинг турли хил дозировакалари 25°C ҳароратда «қандолатчилик ёғи– шакар- ун» тизимининг реологик хусусиятларига ва массани 8°C да совитиш кинетикасига қандай таъсир этиши тадқиқ қилинди. Бунда $M_{3п}$ нинг ушбу тизим таъкибига киритиладиган миқдори тизим компонентлари массасига нисбатан 5,0% дан 30,0 % гачани ташкил этди.

$M_{3п}$ дозировакасининг 10,0% дан 30,0% гача оширилиши ёғли масаллик қовушқоқлигининг 14,2 Па·с дан 16,5 Па·с гача (силжиш тезлиги 5с^{-1} бўлган ҳолда), зичлигининг эса 770 кг/м^3 дан 804 кг/м^3 гача ошишига олиб келади. Назорат намунасида мос равишда қовушқоқлик 13,8 Па·с, зичлик эса 762 кг/м^3 га тенг эканлиги қайд этилди. Ёғли масалликнинг пластик мустаҳкамлиги ҳам тажриба намуналарида назорат намунасиникига нисбатан 1,9-3,4 мартага ошди. Органолептик кўрсаткичлари бўйича тажриба намуналари назоратникидан ҳеч қандай фарқ қилмайди.

$M_{3п}$ қўшилган МЖС нинг миллий таом атола (атала) сифатига таъсири тадқиқотларининг натижалари келтирилган. Атола анъанавий равишда буғдой уни ва қўй ёғи ёки сариеғдан фойдаланиб Марказий Осиё республикаларида ёш бола (гўдак) эмизувчи аёллар истеъмоли учун тайёрланади.

Ёғ фракциясининг ёғ кислотали ва триацилглицеридли таркибини оптималлаштириш учун 1-навли буғдой уни ($M_{пш.}$), ҳайвон ёғлари, $M_{3п}$ ва ўсимлик мойларидан композициялар тайёрланди (2-жадвал). Бунда $M_{3п}$ таркибида ҳам

ўртача 10,0% (6,0-7,0% дан то 14,0% гача) муртак мойи мавжуд эканлиги албатта ҳисобга олинди.

2-жадвал.

МЖС таркибидаги ёғ кислоталарининг ўзаро нисбати

№	МЖС таркиби	Нисбатлар	
		НЖК:МНЖК:ПНЖК, %	ω-6/ω-3
1	М _{пш.} + БЖ	55 : 40,5 : 4,5	2,8 :1
2	М _{зп} + БЖ	47 : 37 : 16	5,7:1
3	М _{пш.} + СТМ	62,2 : 33,1 : 4,7	2,6:1
4	М _{зп} + СТМ	53,2 : 30,8 : 16	5,6:1
5	М _{зп} + БЖ(50%) +МП _{н.} (25%)+МС(25%)	32 : 30: 38	9,3:1
6	М _{зп} + БЖ(50%) +МП _{в.} (40%)+ МС(10%)	30: 44: 26	9,4:1
7	М _{зп} + БЖ(50%) + МО(50%)	32 : 48,9 : 19,1	7,5:1
8	М _{зп} + СТМ(50%) + МП _{н.} (25%)+МС(25%)	35 :27 :38	9,2:1
9	М _{зп} + СТМ(50%) + МП _{в.} (40%)+ МС(10%)	33 : 40 : 27	9,2:1
10	М _{зп} + СТМ(50%) + МО(50%)	34,8 : 46 : 19,2	7,4:1

1-навли буғдой уни (М_{пш.}) қўшиб тайёрланган МЖС ларнинг назорат намуналарида (1- ва 3-вариантлар) тўйинган ёғ кислоталари (НЖК) миқдорининг яққол кўплиги ва ўта тўйинмаган ёғ кислоталари (ПНЖК) миқдорининг яққол камлиги кўриниб турибди. Муртак уни (М_{зп}) қўшиб тайёрланган 2- ва 4-вариантларда ПНЖК миқдорининг бирмунча ошганлиги, аммо НЖК миқдори ҳамон юқори эканлигини кўришимиз мумкин. 5-10 вариантлардаги аралашмалар эса ёғ кислоталари миқдори нисбатан балансланганлиги (мувозанатланганлиги) билан характерланади, сенсор баҳолашлар натижаси ҳам уларда юқори бўлди.

ХУЛОСА

1. Ўсимлик-ёғ композит аралашмалари асосий ингредиентларининг биотехнологик потенциали ва ижобий синергик таъсирлашуви ўрганилиб, композит аралашмаларда ўсимлик фракцияси сифатида буғдой муртаги маҳсулотининг ёғсизлантирилмаган ундан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги кўрсатилган.

2. Ўсимлик-ёғ аралашмалари ингредиентларининг, яъни буғдой муртаги маҳсулоти, ёғ ва мойларнинг рационал нисбатлари ҳисобланган: эмульсион тизимларда М_{зп} ни киритиш ҳисобидан ёғ фазаси миқдорини камайтириш мумкин; сувсиз ўсимлик-ёғ аралашмалари таркибини 50,0-70,0% буғдой муртаги уни (М_{зп}) ҳамда қолган қисмини қуйидаги таркибдаги Ж_ж(50)+МП(25)+МС(25), СТМ(50)+МП(25)+МС(25), ПМ(70)+МС(30) сувсиз ёғ ва мойлар ташкил қилиши тавсия этилган.

3. Янги турдаги ўсимлик-ёғ аралашмаларини олишда М_{зп} билан қўшиб аралаштириш учун қиздирилган ёғнинг бир қисми ажратиб олиниб, совутилгандан сўнг ёғ-мойларнинг қолган қисми қўшилиб, эмульсион

аралашмаларда $M_{зп}$ миқдори 10,0% дан, сувсиз аралашмаларда эса 70,0% дан ошмаслиги тавсия этилган.

4. Нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришда қўллаш учун композит аралашма таркибидаги $M_{зп}$ $40,0 \pm 0,5\%$ ни, композит аралашмани ўзининг миқдори рецептурадаги ун массасига нисбатан $5,0 \pm 0,5\%$ ни ташкил этиши ва бунда хамирнинг оптимал намлиги $42,0 \pm 0,5\%$ бўлиши тавсия этилган.

5. Печеньеларнинг рецептурасидаги маргаринлар ёки сариёғнинг қуйидаги нисбатдаги таркибларга (ёғ-мойлар: $M_{зп}$) эга бўлган сувсиз ўсимлик-ёғ композит аралашмалари билан алмаштирилиши самарали эканлиги аниқланди ва бу нисбатлар шакарли печенье учун 50:50, таранг печенье учун 40:60, ширмой печенье учун эса 70:30. Таранг ва шакарли печеньеелар учун ёғли фазанинг 70,0% ПМ ва 30,0% МС, ширмой печеньеелар учун эса 50,0% СТМ, 25,0% МП ва 25,0% МС таркиби тавсия этилган.

6. Паст калорияли вафлилар ишлаб чиқариш учун ёғли масаллиқлар (начинкалар)даги анъанавий ёғларнинг 10,0 дан 20,0% гачасини муртак уни билан алмаштириш имконияти исботланган.

7. Эмизикли аёлларнинг озикланиши учун мўлжалланган миллий таом-атола (атала) тайёрлаш учун ун-ёғли аралашма-ярим фабрикатнинг оптимал рецептураси ишлаб чиқилди ва БЖ(50%) +МП_н(25%) + МС(25%); БЖ(50%) +МП_в(40%) + МС(10%) таркибдан иборат ёғ-мойлар аралашмасига буғдой уни ўрнига аралашма массасига нисбатан 50,0-70,0% $M_{зп}$ ни қўшиш мақсадга мувофиқлиги кўрсатилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc.27.06.2017. Т.04.01 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ХИМИКО -
ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

БУХАРСКИЙ ИНЖЕНЕРНО – ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

ДЖУРАЕВА НАФИСА РАДЖАБОВНА

**ПОЛУЧЕНИЕ РАСТИТЕЛЬНО-ЖИРОВЫХ СМЕСЕЙ
ЦЕЛЕВОГО НАЗНАЧЕНИЯ С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ
ЗАРОДЫШЕЙ ПШЕНИЦЫ**

**02.00.17 – Технология и биотехнология обработки, хранения и переработки
сельскохозяйственных и пищевых продуктов**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2017.2.PhD/ТЗ8

Диссертация выполнена в Бухарском инженерно-технологическом институте

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице научного совета по адресу ik-kimyo.nuu.uz и информационно-образовательном портале «Ziyonet» www.ziyonet.uz

Научный руководитель:	Исабаев Исмоил Бабаджанович доктор технических наук, доцент
Официальные оппоненты:	Курбонов Жамшед Маджидович доктор технических наук, профессор Серкаев Камариддин Пардаевич кандидат технических наук, доцент
Ведущая организация:	Институт общей и неорганической химии

Защита диссертации состоится «___» _____ 2018 г. в ___ часов на заседании научного совета DSc.27.06.2017. Т.04.01 при Ташкентском химико-технологическом институте по адресу: 100011, г.Ташкент, Шайхонтахурский район, ул. А.Навои, 32. Тел.: (99871) 244-79-21, факс: (99871) 244-79-17, e-mail: tkti_info@edu.uz.

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Ташкентского химико-технологического института за № ___, с которой можно ознакомиться в ИРЦ (100011, г. Ташкент, Шайхонтахурский район, ул. А. Навои, 32.Тел.: (99871) 244-79-21).

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2018 года.
(протокол рассылки № ___ от «___» _____ 2018 г.).

С.М.Туробжонов
Председатель научного совета
по присуждению учёных степеней,
д.т.н., профессор

А.С. Ибодуллаев
Учёный секретарь научного совета по
присуждению учёных степеней, д.т.н., профессор

К.О. Додаев
Председатель научного семинара при научном совете
по присуждению учёных степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Сегодня в мировом масштабе в современном питании основные негативные тенденции связаны с чрезмерным потреблением продуктов, не сбалансированных по содержанию нутриентов, и устойчивым дефицитом поступающих с пищей жизненно важных ингредиентов. Разработка и внедрение в структуру питания населения продуктов, обогащённых физиологически функциональными ингредиентами, является приоритетным направлением развития пищевой промышленности. Решение данной задачи связано с созданием новых рецептур и технологий производства растительно-жировых смесей, соответствующих требованиям современной нутрициологии.³

В последнее время на мировом уровне ведутся научные исследования по актуальным направлениям, таких как: современные методы модификации масложировых, хлебобулочных и мучных кондитерских изделий, относящиеся к социально значимым продуктам регулярного и массового потребления, создание новых технологий, позволяющих максимально использовать биологический и медико-протекторный потенциал сырья, улучшение потребительских свойств, обеспечение пищевой безопасности, снижение расходов и себестоимости продуктов.

Созданы методы совершенствования технологий продуктов питания, повышения их биологической ценности и расширения ассортимента. В то же время проблема рационального хранения и переработке зародышевого продукта пшеницы, являющегося биологически ценным вторичным продуктом зерноперерабатывающих предприятия является актуальным вопросом. В стратегии действий развития Республики Узбекистан отмечены задачи «развития сельского хозяйства, использования местных сырьевых ресурсов и создания технологий их переработки»⁴. В этом отношении весьма перспективно комбинирование зародышевой муки с жирами, особенно с безводными, так как недостаток влаги и кислорода оказывает микробостатическое воздействие на сапрофитную микрофлору зерна и плесени хранения. По биотехнологическому потенциалу и пищевой безопасности в качестве растительной составляющей смесей особый интерес представляют зародыши пшеницы.

Данное диссертационное исследование в определённой степени служит выполнению задач, предусмотренных в указах Президента Республики Узбекистан № УП-4707 от 04.03.2015 г. «О программе мер по обеспечению структурных преобразований, модернизации и диверсификации производства на 2015-2019 годы» и №УП-4947 от 07.02.2017 г. «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»; Постановлении Кабинета Министров РУз. № 251 от 29.08.2015 г. «Об утверждении концепции и комплекса мер по обеспечению здорового питания населения республики Узбекистан на 2015-2020 годы», а также других нормативно-правовых документов, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики Узбекистан. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий

³ http://apps.who.int/gb/ebwha/pdf_files/WHA57/A57_R17-ru.pdf?ua=1

⁴ Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

республики – V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

Степень изученности проблемы. Большой вклад в развитие сектора функциональных жировых продуктов и способов их применения в производстве хлебобулочных и кондитерских изделий внесли В.Х. Паронян, О.С. Восканян, А.П. Нечаев, Л.Г. Ипатова, А.А. Кочеткова, З.Г. Скобельская, В.А. Тутельян, К.Х. Мажидов, Г.И. Касьянов, Л.Н. Шатнюк, Т.Э.Некрасова, Д.Е Карпухин, О.Г. Шубина, М.Г. Гаппаров, Н.Д. Войткевич, А.Т.Diplock, P.J.Aggett, Л.И. Пучкова, Г.Ф. Дремучева, а также узбекские ученые К.Х. Мажидов, С.Д.Бабаев, Р.А. Махмудов и другие.

Разработан широкий спектр технологий по комбинированию жиров с пищевыми добавками с учетом их биологических свойств.

Особое физиологическое и технологическое значение из выделенных и использованных целевых компонентов растительного сырья имеют зародышевое масло, белки, лецитин, пищевые волокна, в связи с чем ведутся исследования по широкому их применению.

